

Маҳалла



РЕСПУБЛИКАМИЗ

МАҲАЛЛАЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ НАШРИ * 1996 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН * 2013 ЙИЛ 26 ЯНВАРЬ, ШАҲБА №8 (868) * WWW.MAHALLAGZT.UZ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ



Айно АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Азиз опа-сингиллар, муҳтарам аёллар!
Авваламбор, сизларга — Ўзбекистон хотин-қизлари республика конференциясининг барча иштирокчиларига, сизларнинг тимсолонингизда бутун мамлакатимиз аёлларига ўзимнинг чукур ҳурматимни билдириб, анжуман ишига катта муваффақиятлар тилайман.

чайтириш, оилаларимизни янада мустаҳкам қилиш, шу аснода ҳаётимизни ҳар томонлама обод, гузал ва мазмунли этиш — бундай долзарб вазифалар бугунги кунда Хотин-қизлар кўмитаси иш фаолиятида эътибордан четда қолмаслигини истардим.

Тақрор-тақрор айтишга тўғри келади: ҳозирги вақтда оилани, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, улар дуч келадиган турли муаммоларни ечиш, зарур кўмак ва ёрдам бериш ҳам ана шу масалаларнинг узвий бир қисми эканини яхши англаб олишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ва унинг жойлардаги бўлиналари фаолиятининг самарасини янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Муҳтарам опа-сингилларимизнинг ўз билим ва профессионал малакасини, салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун, аёлларимиз, ёш қизларимизни айниқса қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, касаначилик, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар тўғрисида бериш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қаторига қиради.

Ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда оилаларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли зарарли оқим ва таъсирлардан сақлаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаяётганини, ўйлаётганини, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада болаларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллашга қўмаклашиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш Хотин-қизлар кўмитаси, унинг жойлардаги вакиллари ва фаоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бугунги анжуманда сизлар айна шу йўналишда олиб бораётган ишларингизга танқидий баҳо бериб, хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янги, юқори босқичга кўтаришга қаратилган амалий қарорлар қабул қиласиз, деб ишонаман.

Барчангизга сўхат-саломатлик, куч-айрат, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ислоҳ ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкентда 25 январь куні Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Ушбу анжуман кўмитанинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти ва Президентимиз Ислоҳ Қаримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар, шунингдек, 2013 йилнинг мамлакатимизда Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан баҳарилардаги ишлар таҳлиliga бағишланди.

Конференцияда туман, шаҳар ва вилоят хотин-қизлар кўмиталарининг конференцияларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Конференция делегатлари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рами бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Улар, шунингдек, Ватанимиз пойтахтида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, янги маҳобатли бинолар ва спорт мажмуалари муносабати билан танишдилар.

Президентимиз Ислоҳ Қаримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Конференция қатнашчилари Президентимиз Ислоҳ Қаримовнинг

Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини кўтаринки руҳ билан қабул қилдилар. Улар мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги мавқеи ва ролини ошириш борасида эришилаётган барча ютуқлар давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги самараси эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова кўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти ва унинг истиқболдаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Президентимиз Ислоҳ Қаримов раҳнамолигидега Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилашга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

> [2]

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

МАРД ЎҒЛОНЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Эрталаб фарзандини мактабга қузатаётган она чеҳрасига эътибор бериб қараганмисиз: унинг кўзларида меҳр порлайди, шодмонлик, мамнунлик балқийди. У кун келиб нурийдисиз эл қорига ярайдиган инсон бўлишини ният қилган ва бунга ишончи қомил. Зотан, онанинг кўнгли хотиржам.

Дарҳақиқат, тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурган юрда одамлар эзгу мақсадлар сари интилади, хайрли ишлар иштиёқи билан уй-

онади. Нурли истиқболга, фарзандлар қамолига ишониб яшадади. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг қафолати — тинчлик, осой-

иштаклики таъминлаш, барқарорлиқни сақлаш, инсонларнинг беҳавотир ва фаровон ҳаётини таъминлашда миллий армиямизнинг хизмати катта. Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида кўрилан чора-тадбирлар эса, Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдириниши сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бераётди.

> [2]

ХУНАРДАН УНАР

МАҲАЛЛАДАН «BAZAR-ART»ГА

Миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми — хунардандчилик асрлардан буюн халқимиз турмуш маданиятини тараққий эттириб келаятган омирлардан.

Истиқлолнинг илк йилларида қозғалган мазкур соҳага алоҳида эътибор ва рағбат кўрсатилди. Бу эса, унинг янги тараққийёт босқичини бошлаб берди.

Эндиликда хунардандчилик нафақат миллий қадрият, балки оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос бўлини, даромад ҳамда янги иш ўринлари манбаи сифатида хизмат қилаётди.

Жўрабек Сиддиқов қадим Бухоронинг ўзига хос хунардандчилик турларидан бири — қандакорлик билан шуғулланади. Қандакорлик унинг учун ажодлардан мерос хунари. Еш хунарданд мисга ишлов бериш сирларини онаси Мунира Сиддиқова ҳамда уста Салим Ҳамидовдан ўрганган. Бу икки инсон ҳамкорликда Бухоро қандакорлик мактабини қайта тиклагани боис, Жўрабек улар билан ҳақли равишда фахрланади. «Болалигим, мис, лату, нилхёр сингари рангли метал-



лар жарангига ҳамоҳанг келди. Ушбу санъатга астойдил қизиққанми пайкаган онам хунарни мукамал ўзлаштиришим учун ўн-ўн икки ёшларимда мени ҳамкасблари уста Раҳмат Рўзиев ҳузурига олиб борди. Беш йил устанда қандакорлик сирларини ўрганиб, аста-секин мустақил ишларга ҳам қўл ура бошладим. Мана, ўн беш йилдики, қандакорлик ҳаётимнинг мазмунига айланган...»

> [3]

ЎЗ МЕҲНАТИ, ЎЗ ТАДБИРКОРЛИГИ БИЛАН ДАРОМАД ТОПАЁТГАН ОДАМ МУСТАҚИЛ ВА ЭРКИН БЎЛАДИ. БОЛАЛАРИНИ ҲАМ ШУНДАЙ ФИКРДА, ШУНДАЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАЙДИ. ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК БЎЛСА, ДАВЛАТИМИЗ ШУ СИЁСАТНИ ДАВОМ ЭТТИРСА, ҲАР БИР ОДАМ МЕН ЎЗ МЕҲНАТИМ БИЛАН ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙМАН, ДЕГАН ИШОНЧ БИЛАН ЯШАЙДИ.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ИНСОНГА БАХТ КЕЛТИРАДИ



МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

Ўзбекистоннинг тадрижий ислохотларга асосланган ўз тараққийёт модели иқтисодийни изчил ривожлантириш йўлида мустаҳкам пойдеворга айланди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида баён этилган рақамлар, келтирилган далиллар ҳам бу мо-

дел жаҳон инқирозининг салбий оқибатларига қарши самарали кунингиз ҳамда дунёдаги санокий давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор сураётларини таъминлашга эришиш имконини берганини яна бир бор амалда намойён этди.

Бугун юртимиз кенту қишлоқлари кифаси туддан ўзгарганини, замонавий бино ва иншоот-

лар, корхона ва заводлар, ижтимоий муассасалар ҳисобига кўркамлашганини кўпчилик, жумладан, хорижликлар ҳам эътироф этаётди. Шақлий ўзгаришлар масаланинг бир жиҳати, албатта. Муҳими эса, мамлакатимиз иқтисодийнинг таркибий асослари тобора мустаҳкамланиб, аҳоли даромадлари ортаётганида, турмушимиз фаровонлашаётганидир. Кишиларимиз онгу тафаккуридаги улкан ўзгаришлар уларнинг бунёдкорлик салоҳиятига янгича куч бағишляётди.

> [3]

ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ

ТАРБИЯ ҲАММАНИНГ ҲАР ДОИМГИ ЮМУШИДИР



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Бугунги кунда оилаларда камолга етаётган, таълим муассасаларида билим сирларини пухта эгалаётган, қисқача айтганда, маҳалла аҳли кўз ўнгиде вояга етаётган йигит-қизларимиз юртимизнинг эртанги кунни, тараққиёти учун масъулятни ўз зиммасига ола биладиган салоҳиятли инсонлар ҳисобланишади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлоднинг тарбиялашда оила институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирларни тўғрисида» қарори ёшлар тарбиясида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қарор асосида Халқ таълими вазирлигида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жамоат кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида жамоат кенгашлари тuzилиб, ҳозирги пайтда улар самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, мазкур кенгашлар савий-ҳаракати билан оила, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва маҳалла ҳамкорлиги мустақамланиб бормоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг Ҳамза тумани Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ҳудуддаги 282-умумтаълим мактабининг устоз-мураббийлари ва 138 нафар битирувчи қизлари, туман ФХДБ бўлими, 27-сонли оилавий поликлиника шифокорлари, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар ҳамда Ҳамза қурилиш касб-ҳунар

лиф қилсақ, аксарияти бандлигини баҳона қилади. Бу арзимаган ҳолатдек кўриниши мумкин, бироқ озгина лоқайдлигимиз, бепарволигимиз бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини ўйлаб кўришимиз керак. Ахир, ёшларнинг эртага ким бўлиши, жамиятда тутадиган ўрни, аввало, оила муҳитидаги тарбияга боғлиқ-ку.

Фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол гоҳларига садоқат руҳида камол топтириш билан бирга, уларда миллий урф-одатларга ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантиришда оиланинг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

— Халқимизда: «Бир фарзандга етти маҳалла ота-она», деган ибратли ҳикмат бор, — дейди Ҳамза туманидаги 282-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Саодат Йўлдошева. — Биз асрлар синовидан ўтган ана шу аънани таълим-тарбия тизимида ҳам қўллаялмиз. Аввало, ўқувчиларимизнинг ўзлаштиришлари ҳар чоракда ота-оналар йиғилишида таҳлил этиб борилади. Бу йиғилишда маҳалла фаоллари ҳам қатнашиб, кейинчалик бу ҳолатни ота-оналар билан ўзаро муҳокама қилишади. Яна бир гап. Ҳеч ким бирор кишининг оилавий муҳити, ўй-фикрлари, қизиқиши, дунёқарашини маҳалладоши, яқин кўни-қўшниларичалик яхши билмайди. Биз йиғин фаолларининг бу борадаги кўмакларига суянган ҳолда ўқувчи руҳиятини чуқурроқ ўрганиб, дарс жараёнида улар билан индивидуал ишлашда ушбу кўникмалардан фойдаланишга интилялмиз.

Таълим тизимидаги ислохотлар ҳақида ота-оналар ва жамоатчиликни хабардор қилиш, ўқувчи-ёшларнинг зарарли йўлларга кириб қолишига сабаб бўлаётган омилларга қарши профилактик тадбирларни кучайтириш ҳамда уларни касбга йўналтиришда ҳар бир ота-она фаол иштирок этиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимизнинг эртага ким бўлиши оиладаги соғлом муҳитга, шунинг борабарига ота-она, мактаб, маҳалла, қолаверса, атрофдагиларнинг ҳамжиҳатлигига боғлиқ.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ

ҚИЗИҚИШ ТОБОРА ОРТМОҚДА



Сергели тумани Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қилаётган Қаюмовлар хонадонини маҳалладошлари спортчилар оиласи сифатида алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Бундай эътироф бежиз эмас.

Ушбу оила «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичида гўлиб бўлиб, оилавий сайёҳат учун хорижга йўланма ни қўлга киритди.

— Бу оила — маҳалламиз фахри, — дейди фуқаролар йиғини раиси Қумри Орифхўжаева. — Оқдид мейхнаткаш оиланинг бекаси Нодирахон маҳалламиздаги 605-мактабгача таълим муассасасида тарбиячи. У ишдан бўш вақтларида баскетбол билан шуғулланади. Мактабда ўқиб юрган пайтда баскетбол бўйича ўтказилган мусобақаларда

совриндорлар қаторидан жой олган. Оила бошлиғи Рустамжоннинг касби — сартарош. У спортнинг бокс турига қизиқади ва машғулотларда мунтазам қатнашади. Уларнинг уч нафар фарзанди бор. Каттаси Мўмина 32-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси, спортнинг сузиш тури билан шуғулланади. Угли Дониёр эса 5-синфда ўқишига қарамай ўзбек жанг санъати билан шуғулланиб, бешта медални қўлга киритган ва Ўзбекистон чемпиони бўлган. Кичкина қизи, боғча тарбияланувчиси Муслима гимнастика билан шуғулланади. Уларни маҳалламиздаги бошқа оилаларга ибрат си-

фатида кўрсатамиз.

«Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақасининг ўтказилиши маҳаллаларда соғлом турмуш тарзи тарғиботида ҳамда жисмоний тарбия ва спорт орқали аҳоли саломатлигини мустақамлашда қўл келаётди. Йилдан-йилга ушбу мусобақага оилаларнинг қизиқиши ортмоқда. Оқдид ўзбек аёли фарзандлари ва оиласи билан бирга, спорт соҳасида ҳам муваффақиятларга эришаётгани кўвонарли ҳол, албатта.

— Тўғриси, бундай эътиборни кутмагандик, — дейди Рустам Қаюмов. — Аслида, ташаббус рафиқамдан чиққанди. Иккиланганимиз ҳам унинг ёрдами билан енгидим. Спортга қизиқишимиз ва тинимсиз машқларимиз ўз самарасини берди. Мусобақадан олган таассуротларимиз ҳеч қачон ёдимиздан чикмас керак. У ерда дўстлар орттирдик. Фарзандларимизнинг спорт соҳасида эришаётган ютуқларини кўриб, чарқоқларни унутман. Айнан спорт орқали келажакда бутун дунёга танилишни ният қилганмиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар бир маҳаллада спорт майдончаларининг қурилаётгани айна мудао. Навоий номидаги маҳаллада иккита спорт майдони бўлиб, бири футбол учун, иккинчиси болаларга мўлжалланган.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролари эзгу мақсадлар сари интилан юртининг келажак баюқдир. Спорт ҳар бир инсон саломатлигининг гаровидир.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙДАГИ
МУДАТЛИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

«ЯНГИ ЙИЛ 2013»

**УШБУ ОМОНАТНИНГ САҚЛАНИШ МУДАТИ 13 ОЙ БЎЛИБ,
ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР ОЛДИНДАН ЁКИ
ОМОНАТ МУДАТИ ТУГАГАНДАН СЎНГ БЕРИЛАДИ.**

**УШБУ ОМОНАТ ТУРИНИ БАНКНИНГ БАРЧА
ФИЛИАЛЛАРИДА ОЧИШ МУМКИН.
МУРОЖААТ УЧУН «АСАКА» БАНК (ОАЖ)
ФИЛИАЛЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:**

120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва
кўпайишини кафолатлайди.**

**Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: А.Мейликков
Мусаҳҳих: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Н.Чориев
Нашр курсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30.